

ЁШЛАРНИ ОНГЛИ КАСБ ТАНЛАШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Шорустамбоева Шахноза Улугбековна

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 247 мактаб психологи

Аннотация: Мазкур мақолада ёшларни онгли касб танлаш компетентлигини оширишнинг ижтимоий-психологик омиллари ҳақидаги назарий ва амалий ўрганишлар хулосаси билан танишиш мумкин.

Калит сўзлар: касб, онг, ижтимоий-психологик омил, установка, стереотип, қизиқиш, имконият, қобилият.

SOCIAL-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF INCREASING THE COMPETENCE OF CONSCIOUS CAREER CHOICE OF YOUNG PEOPLE

Annotation: In this article, you can get acquainted with the input of theoretical and practical studies of social and psychological factors of increasing the competence of young people in a conscious choice of profession.

Keywords: profession, consciousness, social-psychological factor, attitude, stereotype, interest, opportunity, ability.

Бугунги кунда вертувалишиш жараёнининг жадал равишда ривожланиши, ёшлар онгига ёт ижтимоий таъсирларнинг ортиб бориши, инсон омили билан боғлиқ тадқиқотлар кўламини кенгайтиришни таққазо қилмоқда.

Айниқса, жадал суръатлар билан ривожланган глобаллашув ўзининг ижобий томонлари билан бир қаторда инсоният руҳиятида ўзига хос ижтимоий-психологик танглик, эмоционал беқарорлик каби жиҳатларни ҳам юзага келтираётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳозирда ёшларни онгли касб

танлаш компетентлигини оширишнинг ижтимоий-психологик омиллари масаласи ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ ҳисобланади ва бу масала янги давр психологияси тадқиқотлари олдидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу боис бугунги Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ичида ёшларни онгли касб танлаш компетентлигини оширишнинг ижтимоий-психологик омиллари масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежизга эмас. Яъни бугунги Янги Ўзбекистон ислохотларида инсон омилига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаритлмоқда.

Мазкур эътибор замирида кўплаб янги тадқиқотларни олиб бориш имконияти пайдо бўлмоқда. Жумладан бугунги янгича қараш ва янгича такафккур психологик тадқиқотларда ҳам замонамиз учунг энг долзарб мавзуларни тадқиқ қилишга мотив бераяпти. Шу сабали ҳам биз мазкур имкониятлардан унумли фойдаланиб ўз мақоламизда ёшларни онгли касб танлаш компетентлигини оширишнинг ижтимоий-психологик омиллари масаласини назарий тадқиқ қилишни мақсад қилдик.

Бугунги кунда психология фанининг амалий тармоқларида ёшларни онгли касб танлаш компетентлигини оширишнинг ижтимоий-психологик омиллари муаммосига бағишланган тадқиқотлар сезиларли даражада намаён бўла бошлади.

Барчамизга маълумки бугунги кунда ёшларимизни онгли касб танлаши-ҳар бир ёш ҳаёти учун ўта масъулиятли танловлардан биридир. Касб нафақат даромад топиш манбаи, балки ҳар бир ёшнинг бутун бошли умрининг аоссий қисми сарфланадиган фаолияти ҳамдир.

Бизнингча ёшларимизни ўз касбий фолиятларини танлашида бир қанча ижтимоий таъсирлар мавжуд. Жумладан ёшларимизни касб танлашларида ота-она, тенгқури, қон-қариндоши, маҳалласи, жамиятдаги ҳар бир касбнинг пристижии (обрўй) кабилар доим унга таъсир қилади. Лекин психологик жиҳатдан мазкур масалага қарладиган бўлса онгли касб танлашнинг энг аоссий

ижтимоий-психологик омиллари ўқувчи-ёшнинг қизиқиши, қобилияти ва ички имкониятлари ҳисобланади.

Ёшларни онгли касб танлашларида ташқий таъсирлар (фақатгина атрофдагиларнинг тавсиясига таяниш эмас), эмас балки ички имкониятларга кўпроқ эътибор қаратишлари лозим.

Демак, ўқувчи шахсининг онгли касб танлашининг ижтимоий-психологик омилларини психодиагностикаланиш орқали унга психоконсултация бериш жуда муҳим ҳисобланади.

Ёшларни онгли касб танлашларида асосий ижтимоий-психологик омилларидан бири профессиографиянинг ишлашидир. Яъни ёшларимиз қачонки барча касблар ҳақидаги тўлиқ маълумотга эга бўлса, у ўзининг ички имкониятларидан келиб чиқиб касбга онгли йўналиши мумкин. Ундан ташқари профессиографияда ёшлар ўзи танлаган касби ундан талаб қиладиган ҳам касбий сифат ҳам шахсий сифатлар адекватлиги (мувофиқлиги)ни англашлари ҳам ўз соҳасини етук кадири бўлиб шаклланишларини асосидир.

Касбнинг инсон олдига қўядиган талаблари мажмуаси психологик, ижтимоий-иқтисодий, техникавий ва педагогик жабхаларни қамраб олади. Касб ва ихтисос асосларини эгалловчи ёшлар шу фанларнинг барча талабларига мослашиши орқали мутахассислик лаёқатини ривожлантира боради.

Ёшларни онгли касб танлаш борасида давлатимиздаги ислоҳатлар ҳам кундан кунга янгиланиб, ижтимоий зарурат сифатида касблар ва уни эгалайдиган ёшларга ўз талабларини янгиланган бормоқда. Бу жараён рақобатбардош кадрлар, ўз соҳасини етук интеллектуал билимга эга ёшларни тайёрлаш масласи билан боғлиқ жараёндир. Бу йўлда қуйидагича мақсадли ва манзилли профилактик тадбирларни доимий ташкиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ. Жумладан:

1. Мактабда ўқувчиларга касбий маълумотларни бугунги инновацион ахборот усуллари орқали тушунтириш.

2. Ёшларни касб бўйича маълумотларини амалиётга татбиқ қилиш ва шу орқали касбий компетентликка эришиш тизимини ишлаб чиқиш.

3. Радио, телевидение, кино, матбуотда касбий билимлар тарғиботини кучайтириш.

4. Касб юзасидан индивидуал ва жамоавий психоконсултацияларни кучайтириш

Масала бўйича адабиётларни таҳлилидан шуни айтиш мумкинки, мазкур соҳада психологик изланишлар олиб борган К.К.Платнов муайян схема ишлаб чиққан бўлиб, у “Касб танлашга йўналтириш учбурчаги” деб номланиб, ўзининг ихчамлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Худди шу боис ёшларни онгли касб танлашга йўллашда унумли фойдаланиш мумкин.

Касб танлашга йўналтириш учбурчагининг муҳим бир томони - бу ҳар хил касб-хунар эгасига нисбатан куйиладиган талаблар юзасидан муайян билимнинг мавжудлигидир. Унинг иккинчи бир хусусиятли томони шуки, у ёки бу мутахассисликка нисбатан жамият (вилоят, шаҳар, туман) нинг меҳнат имкониятига эҳтиёжи буйича билимлар мужассамлашганлигидир. Яна бир ўзига хос томони шундан иборатки, касбга йўналтирилувчининг қунти, қобилиятли, шахсий хусусиятлари буйича билимлар умумлаштирилган бўлиб, касб танлашга оид барча жиҳатлар мажмуа холига келтирилгандир.

Касб танлашга йўналтириш учбурчаги шахснинг қизиқиши, майли хохиши, ўзини-ўзи баҳолаши, нуфузи қабилаарга оид материалларни ўзида мужассамлаштиради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ёшларни онгли касб танлаш компетентлигини оширишда асосий эътибор уларга бериладиган касбий консултацияларга қаратилади.

Демак ёшларни онгли касб танлашига қаратилган касбий маслаҳат ишларида ёшларнинг ташқи имкониятларидан кўра кўпроқ қуйидаги ички психологик имкониятлари (касбий қизиқиш, касбий лаёқат, касбий установка, касбий имконият, касбий йўналганлик, касблар ҳақидаги билимларини ошириб бориш, касбий истакларини тизимлаштириш) ни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Э.Ғозиев. Умумий психология. Тошкент 2010, 433 б.
2. С.Х.Жалилова, Ф.И.Хайдаров, Н.И.Халилова. Касб психологиси. -Тошкент 2010, 162 б.
3. Климов Е.А. “Как выбрать профессию” Москва, 1990.

